O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
XALQ DEPUTATLARI
QO'QON SHAHAR
KENGASHI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
КЕНГАШ
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ
ГОРОДА КОКАНДА

"17" декабрь 2019 yil
№ XXXIX/1-sonli

Qo`qon shahar

Фарғона вилояти Қўқон шахрининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-589-сонли Қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджети харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Фарғона вилояти Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Фарғона вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги V-LI/266-сонли қарорига асосан Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетига Фарғона вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 67948374,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

шаҳар бюджетининг айланма касса маблағи 2094,1 млн сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.

электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 50 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари шаҳар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) шаҳардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

б) шаҳар бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар маркази сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 1-иловадаги 2020 йил учун даромадлар прогнозкўрсаткичларимаълумот учун қабул қилинсин.

5. Шаҳар бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларгаажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўқон шаҳар бюджетининг 2020 йил учун ажратилган захира жамғармаси 3068966,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини шаҳар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Қонуннинг 20-моддасига асосан:

шаҳар маҳаллий бюджетининг шаклланган қўшимча манбалари шаҳар ҳокимлигининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтирилиши

назарда тутилганлиги инобатга олинсин.

8. Шаҳар ҳокимлиги (О.Мамажонов), шаҳар молия бўлими (М.Сангинов):

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Шаҳар ҳокимлиги (О.Мамажонов), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Турдиқулов),шаҳар молия бўлими (М.Сангинов) томонидан:

биргаликда бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун шаҳар Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борилиши таъминлансин.

10. Шаҳар ҳокимлиги (О.Мамажонов), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Турдиқулов) томонидан Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилсин.

11. Шаҳар хокимлиги матбуот котиби У.Норбоевга мазкур қарорни “Қўқон садоси” рўзномасида расмий эълон қилинишини таъминласин.

12.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI QO'QON SHAHAR HOKIMLIGI
BAYON QISMI

Сессия раиси **З.Мамажонова**

Ҳалқ депутатлари Қўқон шаҳар
кенгашининг 2019 йил 17-декабрдаги
XXX1X/1-сонли қарорига 1-илова

Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йил учун даромадлар режа кўрсаткичлари

№	Даромад турлари	Маҳаллий бюджетга ажратма , микдори	минг.сўм
1	Юридик шахслардан олинадигак фойда солиғи		-
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	100%	21 878 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50%	83 997 500
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахспардан олинадиган даромад солиғи	100%	904 000
5	Қўшилган қиймат солиғи		-
6	Акциз солиги, жами		-
	шу жумладан:		-
	-ароқ		-
	- табиий вино		-
	- бошқа винолар		-
	- этилний спирт		-
	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва ваз реализация қилишдаеи акциз		-
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ		-
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%	7 665 000
9	Ер солиғи жами		4 083 000
	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи		-
	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%	4 083 000
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		-
11	Сув ресурсларидан фойдаланганликучун солиқ	100%	1 074 000
12	Йиғимлар		-
13	Давлат божи		-
14	Давлат мулки бўйича ижара тўлоелари	100%	7 000
15	Жарималар		-
16	Давлатунитар корхоналари дивидекд тушумлари		-
ЖА М И			119 608 500
	Мобнль алоқа хнзмати ва алкоголь махсулотларн, шу жумладяи пиво учун акциз солигн тушумлярндап тсгишлн равишда ўтказиб бернладиган даромад		20 109 794
	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пнво		12 909 741
	Мобиль алока хизмати		7 200 053
	ЖАМИ ДАРОМАД		139 718 294

Ҳалқ депутатлари Қўқон шаҳар
кенгашининг 2019 йил
17-декабрдаги XXXIX/1-сонли
қарорига 2-илова

Қўқон шаҳар маҳаллий бюджетидан 2020 йил учун маблағ олувчи ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил
	Қўқон шаҳар бўйича харажатлари миқдори, Жами	**207 666 668,0**
1.	Мактабгача таълим бўлими	**14 366 324,0**
2.	Халқ таълими бўлими	**7 051 085,0**
3.	Тиббиёт бирлашмаси	**102 807 336,0**
4.	Маданият бўлими	11 480 943,0
5.	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	3 357 685,0
6.	Бандликка кўмаклашиш маркази	723 166,0
7.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	433 816,0
8.	Ободонлаштириш бошқармаси	**24 207 825,0**
9.	**Молия бўлими**	**10 466 086,0**
	Молия бўлимини сақлаш харажатлари	758 448,0
	Президент Фармонига асосан 2020 йилда иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқцорини оширилиши ҳисобига индексация маблаглари	9 707 638,0
10.	Пенсия жамғармаси худудий бўлими	833 213,0
11.	Хокимият	31 939 189,0